

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АКИЛОВ ДЖАХАНГИР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

**БЕЛ СОХАСИДАГИ НОСПЕЦИФИК ОГРИКЛАР КЛИНИК-
ЭТИОПАТОГЕНЕТИК СТРУКТУРАСИ ВА ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЕЧИМИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Акилов Джахангир Хабибуллаевич

Бел сохасидаги носпецифик огриклар клиник-этиопатогенетик структураси ва даволаш тактикасининг дифференциал ечими.....3

Акилов Джахангир Хабибуллаевич

Клинико-этиопатогенетическая структура неспецифических болей в спине и вопросы дифференцированной лечебной тактики.....19

Akilov Djakhangir Khabibullaevich

Clinico-etio-pathogenetic structure of non-specific back pain and differentiated therapy tactics.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works38

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АКИЛОВ ДЖАХАНГИР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

**БЕЛ СОХАСИДАГИ НОСПЕЦИФИК ОГРИКЛАР КЛИНИК-
ЭТИОПАТОГЕНЕТИК СТРУКТУРАСИ ВА ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЕЧИМИ**

14.00.13 –Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib71 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини оширишинститутида бажарилган.
Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tipme.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мирджураев Элбек Миршавкатович,**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Гафуров Бахтияр Гафурович,**
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Садикова Гулчехра Кабуловна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарканд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри МирзоУлуғбек тумани Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри МирзоУлуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Дж.М.Собиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бел сохасидаги оғриқларни ташхислаш ва даволаш масаласи – замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоси бўлиб, беморларнинг қисқа ёки узок муддатли ишга лаёқатсизлигининг энг кенг тарқалган сабабларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертлари маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатларда белдаги оғриқларнинг учраш частотаси кўлами бўйича пандемия билан тенг бўлиб, жиддий тиббий ва иқтисодий муаммо хисобланади ҳамда «бел сохасидаги оғриқлар қаторида энг асосий ўринни бел сохасининг носпецифик оғриқлари эгаллайди ва 60-85%да учрайди. Бел сохасида оғриқлар бўлган беморларда депрессия синдромининг тарқалганлиги бўйича маълумотлар 30% дан 87%гачани ташкил қилади»¹. Бел сохасидаги сурункали оғриқлар кўпинча хавотир-депрессив синдромлар оқибатида оғирлашади, бу эса ўз навбатида ҳам касалликнинг кечиши, ҳамда уни даволашни қийинлаштиради ва моддий сарф-харажатларнинг ўсиши хисобидан ижтимоий-иқтисодий йўқотишларни кўпайтиради.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида замонавий жамиятдаги самарали интеллектуал фаолиятга бўлган талабнинг ортиб бориши билан боғлиқ холда, бел сохасидаги носпецифик оғриқлар клиник-этиопатогенетик структураси ва даволаш тактикасига ёндашувнинг самарадорлигига эришишга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бел сохасидаги носпецифик оғриқларни эрта босқичларида аниқлаш, хавотир-депрессив синдромлар оқибатида оғирлашишини хисобга олган холда эрта ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш, ҳамда касаллик асоратларини олдини олиш, учраш даражаси ва ривожланиш омилларини аниқлаш, касалликнинг клиник маркерлари ва таркибини аниқлаш, касаллик келиб чиқишида хавф омилларини аниқлаш, даволашга дифференциал замонавий ёндашиш ҳамда беморларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш чораларини белгилаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли чора тадбирлар билан бир қаторда цереброваскуляр патологиялар ривожланишига олиб келувчи сабабларни аниқлаш, шунингдек, даволаш ва профилактика самарадорлигини оширишга олиш алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада «...касалликларни олдини олиш ва диагностика қилиш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юкори малакали ва сифатли тиббий ёрдам курсатиш»²га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда аҳоли орасида бел сохасидаги носпецифик оғриқлар билан кечадиган касалликларни ривожлантирувчи хавф омилларини эрта аниқлаш ва асоратларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, кейинчалик аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам

¹Weekly epidemiological record of WHO // N369, 2017, 93, 521-540.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тўлақонлигини ошириш, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, ҳаёт сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияла ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. 70% дан 90%гача одамлар ҳеч бўлмаганда умрида бир марта бўлса ҳам белида оғриқ сезганлиги аниқланган (Яхно Н.Н.,2009). Бел соҳасидаги оғриқлардан азият чеккан беморларни даволаш комплекси, вақтида, дифференциал ёндашиш, этиопаогенетик механизмлари, ҳамда оғриқ синдромининг намоён бўлиш даражаси, уюшган бузилишларнинг мавжудлигини ҳам ҳисобга олиниши кераклиги аниқланган (Новиков Ю.О.,2001; Kent P. et al., 2012). Бел соҳасидаги оғриқ ҳолатларнинг аксарияти олти ҳафта давомида ўтиб кетса, тахминан 20-30% беморларда уч ойдан ортиқ вақт мобайнида давом этувчи, доимий оғриқ сифатидаги, сурункалибел соҳасидаги носпецифик оғриқлар белгиларининг ривожланиши ҳам мумкин (Mähler C.G., 2004).

Бел соҳасида носпецифик оғриқларни пайдо бўлишига олиб келувчи асосий сабаблар умиртқа таянч-ҳаракат аппаратининг (умиртқаларо бўғимлар, умиртқаларо дисклар, фасциялар, мускуллар, пайлар) ёндош таркибларни жалб қилиш эҳтимоли билан дистрофик ва/ёки функционал ўзгаришлари; умиртқа остеохондрози. Ҳозирги вақтда мавжуд маълумотларга кўра остеохондрознинг неврологик намоён бўлиши клиник неврологиянинг жиддий муаммоси ҳисобланиб, у замонавий ташхис ва даволашнинг адекват усуллари амалга оширишда алоҳида эътибор талаб этади (Маджидова Е. Н., 2002, Ситель А. Б., 2002, Хабиров Ф. А., 2006, Соков Е.Л., 2014; Егоров О.Е., Евзиков Г.Ю., 2015; Новикова Л.Б., Акопян А.П. 2015; Попов В.В., 2015).

Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизда бел оғриқларини ташхислашнинг тўлиқ алгоритмлари, уларнинг клиник турларини қиёсий ташхислаш, этиологик омили ва ёндош касалликларни ҳисобга олган кейинги асосланган даволашнинг тўлиқ тактикаси мавжуд эмас, бу эса бел соҳасидаги

носпецифик оғриқлар клиник-этиопатогенетик структураси ва даволаш тактикасининг дифференциал ечимини излаш заруратини тақоза этади. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқилганда замонавий неврологиянинг долзарб масаласи бел сохасида носпецифик оғриқлари бўлган беморларда дифференциал даволаш алгоритмини ишлаб чиқишхисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ташхислаш, даволаш ва касалликни олдини олишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади белдаги носпецифик оғриқларни клиник-этиопатогенетик таркибини ўрганиш, дифференциал даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бел сохасидаги носпецифик оғриқларнинг клиник вариантларини шакилланишига таъсир кўрсатувчи этиологик ва патогенетик омилларни аниқлаш;

бел сохасидаги носпецифик оғриқларнинг клиник маркерлари ва таркибини аниқлаш;

бел сохасида носпецифик оғриқлари бўлган беморларда хондропротекторлар воситасидаги фармакотерапияни киритиш ва антидепрессантларни қўллаш билан амалга оширилувчи комплекс даволаш самарадорлигини аниқлаш;

бел сохасида носпецифик оғриқлари бўлган беморларда дифференциал даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1 шахар клиник касалхонасида ва “Neurohelp” ХТМда даволанган белдаги носпецифик оғриқлари бўлган 90 нафар беморларга тегишли проспектив маълумотлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети: бел сохасида носпецифик оғриқлари бўлган беморларни даволашгача ва ундан кейинги клиник-неврологик тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда умумий клиник, нейровизуал, клиник-неврологик, истиқболли проспектив ва статистик усуллар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор белдаги сурункали носпецифик оғриқлари бўлган беморларда касалликнинг клиник-этиопатогенетик хусусиятларига асосланган ташхис маркерлари аниқланган;

илк бор белдаги носпецифик оғриқларнинг синдромологик таркиби ва ушбу касаллик кечишининг вариантлари аниқланган;

носпецифик люмбалгияли беморларни умумий реабилитацион даволашда анъанавий даволаш билан таққослаганда замонавий хондропротекторлар ва SARI антидепрессант дори воситаларини қўллашнинг самарадорлиги исботланган;

белдаги сурункали носпецифик оғриқлари бўлган беморларни даволашга дифференциал ёндашув такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

хондропротекторлар ва антидепрессантларни қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда белдаги сурункали носпецифик оғриқларни даволашнинг умумий усуллари ишлаб чиқилган;

бел соҳасида сурункали оғриқлари бўлган беморларда хавотир ва депрессив бузилишларнинг мавжудлиги ҳолатларида SARI (тразодон) антидепрессантларини тайинлаш тавсия қилинган;

умумий даволашда хондропротекторларни қўллаш оғриқ синдромини янада аниқ ва доимий регрессини келтириб чиқариши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келиши аниқланган;

белда носпецифик оғриқлари бўлган беморларни дифференциялашган даволаш оптималлаштирилган ва жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувлар ва усуллар, назарий маълумотнинг қўлга киритилган амалий натижалар билан мувофиқлиги, методология нуқтаи назаридан амалга оширилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, беморлар сонининг етарлилиги, маълумотларнинг статистик назорат усуллари билан қайта ишланганлиги, ҳамда тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ва маҳаллий маълумотлар билан солиштириш, якуний ҳулоса ва қўлга киритилган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланиши билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бел радикулопатиясининг тиббий-ижтимоий реабилитациясида умиртқадаги клиник-функционал ўзгаришлар ва неврологик ҳолатнинг ўзига хослигини аниқланиши келажакда республикада янада чуқур тадқиқотларни ўтказилиши учун замин яратиб, умиртқалараро дисклардаги дегенератив ўзгаришлар, умиртқалараро диск чурранинг пайдо бўлиши, нерв илдизчаларининг сиқилиши, паравертебрал мускулларнинг йиртилиши, бел радикулопатиясида оғриқ синдромининг ривожланиши касаллик патогенезининг янги белгиларини аниқлаш билан изоҳланади.

Ушбу ишнинг амалий аҳамияти умуман олганда вертеброген оғриқ синдромларининг ташхиси, экспертиза (текшириш) ва реабилитация ўтказишнинг усуллари ва кетма-кетлиги, беморлардаги функционал бузилишларни, ишга лаёқатлилиқни тиклаш, уларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш, ҳамда бемор ва ногиронларни жамиятга интеграциялашга йўналтирилган тиббий-ижтимоий реабилитация самарадорлигини оширувчи дифферентланган консерватив ёндашув билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бел соҳасидаги носпецифик оғриқлар клиник-этиопатогенетик структураси ва дифференциал даволаш ечими бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бел соҳасидаги носпецифик оғриқларда дифферентланган даволаш тактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 8н-д/333-сон маълумотномаси). Ушбу

услубий тавсиянома белдаги носпецифик оғриқларда белдаги оғриқларга олиб келувчи омиллар, хатар омиллари, клиник-патогенетик намоён бўлишларни хисобга олган холда ташхислаш ва дифференциаллашган даволашга хизмат қилган.

Бел соҳасидаги носпецифик оғриқлар клиник-этиопатогенетик структураси ва дифференциал даволашга қаратилган тадқиқот тизимли таҳлили бўйича олинган илмий натижаларсоғлиқни сақлаш тизимига, жумладан 1-сонли шаҳар клиник касалхонасининг неврология бўлимларига, “Neurohelp” хусусий тиббиёт маркази амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 6 январдаги 8н-з/3-сон маълумотномаси). Натижада бел соҳасидаги носпецифик оғриқлар билан хасталанган беморлар даволаш муддати қисқаришига, ишга лаёқатсизлик давомийлигининг камайишига даволаниш учун янги ёндашувлар орқали ногиронликни олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда бта мақола, жумладан, 8таси республика ва 2таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 4 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бел соҳасидаги носпецифик оғриқларнинг учраш частотаси ва муаммонинг ўрганилганлиги даражаси асосида диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқотнинг асосий натижалари апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Белдаги носпецифик оғриқлар терминологияси, этиопатогенези, клиник кўриниши, ташхислаш ва даволаш тактикаси ҳақидаги замонавий тасаввурлар (адабиётлар шарҳи)**» биринчи бобида муаммо ҳолатига доир замонавий манбаалар шарҳи келтирилган, белдаги носпецифик оғриқларда исботлаш базаси ва халқаро тавсияларни хисобга олган холда касаллик терминологияси, эпидемиологияси, классификацияси (таснифи), дифферентланган ташхис ва даволаш усуллари ҳақидаги маълумотлар ёритиб берилган, ҳамда белдаги оғриқларда антидепрессантлар ва хондропротекторларни қўллаш услуби тасвирланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида Тошкент 1-шаҳар клиник касалхонаси ва

«Neurohelp» ХТМ стационар ва амбулатор даволанаётган 90 нафар бел сохасидаги носпецифик оғриқлари бўлган беморларнинг текшириш натижалари келтирилган. Клиник таққослашнинг I гуруҳига 1-шаҳар клиник касалхонасида стационар медикаментоз (НПВС, миорелаксантлар, Б гуруҳ витаминлари) ва физиотерапевтик даволанишда бўлган 30 нафар бел сохасидаги носпецифик оғриқлари бўлган беморлар (12 нафар эркак ва 18 нафар аёллар, ўртача ёши - $42,1 \pm 7,2$ ёш) киритилди.

Клиник таққослашнинг II гуруҳини бел сохасидаги носпецифик оғриқлари бўлган асосий даволашга тразодан антидепрессантини чизма бўйича 45 кун давомида 50-150 мг миқдорда қўшган холда стационар ва амбулатор даволанишда ва хондропротектор «Румалон» дори воситасини қўллаш билан фармакотерапияда бўлган 60 нафар бемор (30 нафар эркак ва 30 нафар аёл, ўртача ёши – $44,2 \pm 5,2$ ёш) ташкил қилди. Шу билан бирга II гуруҳ беморлари умумий даволанишида даволашнинг номедикаментоз усуллари – игнарефлексотерапия ва магнитотерапия, стандарт курсларда 10 та процедураддан (даволаш тадбирлари) қўлланилди.

1-жадвал

Беморларнинг клиник тавсифи


Кўрсаткичлар	Ўлчовлар
Беморлар сони	90
Жинси, э/а	44/46
Ёши	$43,15 \pm 6,2$
Оғриқ синдромининг оғирлашиш давомийлиги, кунлар хисобида	$4,72 \pm 0,36$
Оғриқни ВАШ бўйича баҳолаш (балларда)	$7,2 \pm 2,1$
Депрессия холатини Бек шкаласи бўйича баҳолаш (балларда)	$16,95 \pm 1,4$
SF-36 сўровномаси бўйича ҳаёт сифатини баҳолаш (балларда)	$26 \pm 12,54$

Тадқиқотга шунингдек бел сохасидаги сурункали (>12 ҳафта) оғриқлар ўткир давридаги кичик ва ўрта ёшдаги шахслар киритилди. Танланган беморлар орасидан оғриқнинг бошқа касалликдаги, масалан Бехтерев касаллиги, остеопороз, спондилоартропатиялар, илдизчалар компрессион синдроми билан изоҳланувчи умиртқанинг ёндош касалликлари билан оғриган беморлар, соатига 14 ммдан юқори СОЭ кўрсаткичларига эга, ВАШ бўйича оғриқ симптомларининг намоён бўлганлиги даражаси камида 3 бални ташкил қилган, умиртқа таначалари деструкцияси, остеопорози билан бирга

кечувчи, умиртқанинг кучли деформацияси касалликлари, жиддий патологиянинг КТ ва/ёки МРТ – белгиларига эга касалликлар (грижалар, синишлар, умиртқачаларнинг жойидан силжиши, тузилишлардаги нуқсонлар) чиқариб ташланди. Бунда протрузиялар ва умиртқа остеохондрозининг бошқа КТ-белгилари мустасно бўлмаган. Илмий ишда тадқиқотнинг қуйидаги усуллари қўлланилди: текширишнинг клиник-неврологик усули, МакГилл сўровномаси бўйича оғриқнинг намоён бўлганлиги даражасини баҳолаш усули, оғриқнинг визуал-аналог шкаласи (ВАШ), Бекнинг депрессия шкаласи, SF-36 сўровномаси бўйича ҳаёт сифатини баҳолаш. Зарурий ҳолларда ёндош мутахассислардан маслаҳатлар олинган.

Ҳар бир бемор бўйича клиник тадқиқотлар маълумотлари ишлаб чиқилган варақада акс эттирилган, унинг ёрдамида беморнинг жинси, ёши, касби, касалликнинг, ҳамда унга ёндош касалликларнинг клиник кўриниши, неврологик ҳолат ва бошқа клиник ва инструментал тадқиқотлар динамикасига (ўзгариш суръати) оид маълумотларнинг қайта ишланиши ўтказилган. 1-чизмада тадқиқотнинг ишлаб чиқилган дизайни тақдим этилган.

1-чизма. Тадқиқот дизайни




Диссертациянинг учинчи «Бел соҳасидаги носпецифик оғриқларнинг клиник-этиопатогенетик таркиби» деб номланган бобида беморларни клиник-неврологик текширувининг кенг кўламдаги натижалари, нейровизуализация маълумотлари, хатар омилларини ва касбий зарарларни аниқлаш натижалари келтирилган, шу билан бирга номедикаментоз даволашнинг қўлланиган усуллари батафсил тасвирланган.

Нейровизуализация маълумотларига кўра беморларнинг ҳаммасида умиртқа остеохондрози аниқланди, бунда 40 нафар беморда (44,4%) кўшимча ҳажми 0,2-0,3 мм катталиқдаги диск протрузиялари ҳам аниқланган (1-диаграмма).

1-диаграмма


Нейровизуализация текширишларининг натижалари (КТ/МРТ)



Хатар омилларини аниқлаш учун ҳар бир беморда эҳтимол орқа-бел соҳасига таъсир кўрсатувчи ва оқибатда белдаги оғриқларга олиб келувчи бемор бажарадиган ишининг ўзига хос хусусиятлари аниқлаб чиқилди. Натижалар шуни кўрсатадики, иш фаолиятида 49 нафар (54,4%) беморлар асабий зўриқишларга учрайдилар, 31 нафар (34,4%) бемор оғир юк кўтаради, 33 нафар бемор эса узоқ вақт мобайнида ўтирган ҳолатда иш олиб боради. Бунда беморларнинг учдан бир қисми (34,4%) бир вақтнинг ўзида бир нечта омиллар таъсирида бўлишларини билдирганлар.

Оғриқ бошланишига олиб келувчи омилларнинг таҳлили беморларнинг кўпчилиги (36%) оғриқнинг келиб чиқишини ҳеч нарса билан боғламасликларини, ҳамда унга нима сабаб бўлганлигини билмасликларини кўрсатди (2-диаграмма). Бошқа омиллар орасида энг кўп учраганлари оғирликларни кўтариш (30%), қаттиқ музлаб қолиш (16%) ва асабий зўриқишлар (13%) бўлган.


Жорий оғирлашишга олиб келувчи омиллар



Оғриқ характерининг Мак-Гил сўровномаси бўйича ўтказилган таҳлили натижалари беморларнинг кўпчилиги оғриқларни тасвирлашда асосий характеристика сифатида симиллаб (мижиб) (34%) оғришларни ва тортиб оғришларни (22%) алоҳида ажратишларини кўрсатди (3-диаграмма).

3-диаграмма

Мак-Гил сўровномаси бўйича оғриқ тавсифини баҳолаш




ВАШ ёрдамида ўлчанган оғриқ даражасининг регресси беморларнинг ҳаммасида кузатилган, бунда ВАШ бўйича оғриқ синдромининг статистик аҳмиятли энг яхши регрессга даволашнинг 7-кунидан бошлаб I гуруҳ билан

таққослаганда II гуруҳда эришилди (4-диаграмма). Даволаш якунланганидан кейин хондропротекторлар ва SARI антидепрессантларини қабул қилган гуруҳда оғриқ синдромининг даражаси $2,8 \pm 0,24$ балга кам бўлган.

4-диаграмма


ВАШ шкаласи бўйича оғриқ синдроми ифодаланганлигининг ўзгариш динамикаси



Бек шкаласи бўйича ҳам депрессия даражаси кўрсаткичларининг динамикаси даволашнинг бошланғич босқичида ҳамма беморларда ҳолатларининг яхшиланишини кўрсатди, бунда II гуруҳда 3-хафтадан бошлаб яхши регрессга эришилган, ҳамда тадқиқотнинг охирига келиб ўртадаги фарқ $9,85 \pm 0,36$ балгача етган (4-диаграмма).

SF-36 сўровномаси бўйича беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш (жисмоний фаолият шкаласи) иккала гуруҳда ҳам асосий даволаш олиб борилган даврда сезиларли даражадаги яхшиланишларни кўрсатди. II гуруҳ беморларининг кўрсаткичлари олиб борилган тадқиқотнинг якунига келиб, унча сезиларли бўлмаган ўзгаришларни аниқлади, ҳамда у $0,97 \pm 1,4$ бални ташкил қилди (5-диаграмма).

Бек шкаласи бўйича депрессия кўрсаткичининг динамикаси




Шундай қилиб, бизнинг маълумотларимизга кўра белдаги носпецифик оғриқларни умумий даволаш таркибига антидепрессантларни ва хондропротекторларни киритиш даволашнинг иккинчи хафтасидан бошлаб базис даволашдан аниқ фарқ қилувчи муқим аналгетик таъсирнинг ривожланишига, депрессия даражасининг пасайиши ва ҳаёт сифатининг кўтарилишига олиб келади.

Диссертация шининг тўртинчи «**Бел соҳасидаги носпецифик оғриқларда дифферентланган даволаш тактикаси (услуги)**» бобида олиб борилган тадқиқот асосида бел соҳасидаги носпецифик оғриқларда дифферентланган даволаш тактикасининг ишлаб чиқилган алгоритми келтирилган (2-чизма).

Клиницист бел соҳасидаги оғриқлар билан мурожаат этган беморни қабул қилиш вақтида аниқ йўналтирилган текширишни амалга ошириши керак, бунда у оғриқ синдромининг тахминий сабаби, неврологик бузилишларнинг даражаси ва босқичларини аниқлаш учун касаллик анамнезини йиғиш ва клиник-неврологик ҳолатга эътибор қаратиши лозим. Даволашнинг ушбу тактикаси беморнинг оғриқ синдромини қуйидаги учта гуруҳнинг бирига киритишни осонлаштиради.

Бел соҳасида оғриқлари бўлган беморнинг бирламчи текширилишидаги ҳаракатлар кетма-кетлиги



I) Бел сохасидаги носпецифик оғриқ бел оғриқларининг энг кўп учрайдиган синдромидир;

II) Радикулопатия ёки орқа мия канали стенози оқибатида юзага келган бел оғриғи, оғриқнинг бу ҳили умиртқалар аро диск грижаси сабабли юзага келиши мумкин;

III) Белдаги оғриқ, орқа-бел даражасидаги бошқа ўзига хос жараёнлар билан боғлиқ бўлган ҳили.

Келтирилган гуруҳлардан бирига беморни киритиш қарори кейинчалик тадқиқотнинг лаборатор ёки инструментал усулларини ўтказиш, ҳамда ёндош мутахассислар маслаҳатларини олиш ишларига тайёрлаб боради. Агар шифокор оғриқни носпецифик деб хисобласа, нейровизуализация текширишларини (КТ/МСКТ/МРТ) ўтказиш тавсия қилинмайди. Бел сохасидаги носпецифик оғриқларда беморга содда шаклда яхши прогноз (башорат), касалликнинг яхши сифатлилиги, тез тузалиш эхтимолининг юқорилигини айтиб бериш лозим.

Клиницист оғриқ синдромининг частотаси ва унинг давомийлиги ҳақида маълумотларга эга бўлиши керак, шу билан бирга у бемордан ушбу оғирлашишнинг пайдо бўлишига туртки бўлувчи омиллар ҳақида, оғриқнинг бундан аввалги эпизодлари, аввалги даволаш ва унинг самаралари ҳақида сўраб билиши лозим. Шунингдек шифокор оғриқнинг бундан аввалги касаллик оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкинлигини эътиборга олиши шарт. Шифокор «қизил байроқлар»ни билиши керак, яъни ички аъзоларнинг жиддий касалликлари ва патологияларини эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Неврологик симптоматиканинг тез ривожланиши ва намоён бўлиши, чанокдаги бузилишларнинг мавжудлиги, тана хароратининг кўтарилиши, инфекция ёки онкологик касалликларнинг ривожланиши хатар омилининг мавжудлигига эътибор қаратиш керак. Жиддий касалликларнинг мавжудлигига шубҳа бўлганида кўшимча текширишларни амалга ошириш, зарур бўлгани холатида ёндош мутахассислар маслаҳатларини олиш керак.

ХУЛОСА

1. Бел сохасидаги носпецифик оғриқларнинг турли вариантларини келиб чиқишига таъсир этувчи этиопатогенетик омиллар умиртқа ва миофасциал тузилмаларнинг дегенератив-дистрофик ўзгаришлари хисобланади.

2. Ўртача даражада намоён бўлган алгик синдром бел сохасидаги носпецифик оғриқлар таркибидаги клиник маркер эканлиги аниқланди (ВАШ = 7.2 ± 2.1 бал).

3. Уч ойдан ортиқ вақт мобайнида давом этаётган бел сохасидаги сурункали оғриқлари бўлган беморлар учун депрессиянинг ўртача даражаси (Бек шкаласи = $16,95 \pm 1,4$ бал) ва ҳаёт фаолияти, ишга лаёқатлилиқ ва ҳаёт сифатининг сезиларли даражада чекланганлиги холати шкала (SF-36 (PF) шкаласи = $26 \pm 12,54$ бал) хосдир.

4. Бел сохасидаги носпецифик оғриқли беморларнинг умумий даволаш тартибига хондропротекторлар ва антидепрессантлар воситасидаги фармакотерапияни киритиш ВАШ кўрсаткичларини $2,8 \pm 0,24$ бал, Бек депрессия шкаласи кўрсаткичларини $9,85 \pm 0,36$ бал, ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларини SF-36 (PF) шкаласи бўйича $10,97 \pm 1,4$ балллик яққол ижобий динамикасини келтириб чиқаради.

5. Белдаги носпецифик оғриқлари бўлган беморларда ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган алгоритм бўйича дифферентланган даволаш чора тадбирларини ўтказиш сезиларли даражада самаралидир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ

АКИЛОВ ДЖАХАНГИР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

**КЛИНИКО-ЭТИОПАТОГЕНЕТИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА
НЕСПЕЦИФИЧЕСКИХ БОЛЕЙ В СПИНЕ И ВОПРОСЫ
ДИФФЕРЕНЦИРОВАННОЙ ЛЕЧЕБНОЙ ТАКТИКИ**

14.00.13 – Неврология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Tib71.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте усовершенствования врачей.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www. tipme.uz](http://www.tipme.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Мирджуроев Элбек Миршавкатович,**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Гафуров Бахтияр Гафурович,**
доктор медицинских наук, профессор

Садикова Гульчехра Кабуловна,
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Самаркандский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 при Ташкентском институте усовершенствования врачей. Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Паркентская, дом 51. Тел./факс: (+99871) 268–17–44, e-mail: info@tipme.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института усовершенствования врачей (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Паркентская, дом 51. Тел./факс: (+99871) 268–17–44.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2020 года).

Дж. М. Собиров,
Заместитель председателя Научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор медицинских
наук, профессор

Н.Н.Убайдуллаева,
ученый секретарь Научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Б.Г.Гафуров,
председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Проблема диагностики и лечения болей в спине – актуальная проблема современной медицины, так как дорсалгии являются одной из наиболее частых причин обращения к врачу и кратковременной или длительной нетрудоспособности пациентов. В структуре болей в спине основное место занимают неспецифические боли в спине - боли, причиной которых не является какая-либо специфическая патология. Такой характер болей выявляется примерно у 60-85% пациентов с болями в спине. При этом хронический характер данного синдрома наблюдается примерно у трети пациентов с неспецифическими болями в спине, что увеличивает социально-экономические потери за счет увеличения продолжительности нетрудоспособности, употребления большего количества лекарственных препаратов, возрастания временных и материальных затрат на лечение и обследование. Также хронические боли в спине зачастую осложняются тревожно-депрессивным синдромом, что усложняет как течение, так и терапию болезни. Данные по распространению депрессии среди пациентов с болями в спине колеблются от 30 до 87%¹.

Разработка адекватных методов современной диагностики и лечения болей в спине становится серьезной медицинской и социальной проблемой мирового уровня. Проблемой болей в спине занимаются врачи неврологи, терапевты, нейрохирурги, травматологи, ревматологи, мануальные терапевты, иглорефлексотерапевты, психиатры, физиотерапевты, но несмотря на это данная патология до сих пор требует улучшения алгоритмов диагностики, дифференциального диагноза и вопросов правильной тактики лечения. Уровень доказательности для многих видов комплексного лечения неспецифических болей в спине, широко используемых в повсеместной неврологической практике в поликлиниках и стационарах многих стран, все еще остается низким.

Наряду с масштабными мерами, предпринимаемыми для улучшения системы здравоохранения в стране, особое внимание уделяется выявлению причин, способствующих развитию неврологических заболеваний, а также повышению эффективности лечения и профилактики. В связи с этим возникают важные задачи по «...профилактике и диагностике заболеваний, широкому внедрению современных технологий, обеспечению качественной и качественной медицинской помощи»². Вместе с тем в системе здравоохранения имеется достаточно много проблем. Зачастую врачи первичного звена без оснований проводят нейровизуализацию при обращении пациентов с болями в спине, направляют пациентов к смежным специалистам, увеличивая материальные затраты и усложняя лечение синдрома. Клиницисты порой не имеют знаний о правильном ведении пациента с

